

**“ШАҲРИСАБЗ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШИ
2-СОН БАЁННОМАСИ**

Қашқадарё вилояти,
Шаҳрисабз тумани, Ипак йўли кўчаси,
110-уй

2019 йил 10 июнь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, Ипак йўли кўчаси, 110-уйда “Шаҳрисабз пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **08:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:30**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 1 236 544.

“Шаҳрисабз пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият кузатув кенгаши томонидан 2019 йил 21 майда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилиши белгиланган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана - 2019 йил 04 июнь.

Жамият кузатув кенгашининг раиси узрли сабабларга кўра йиғилишда қатнашмаётганлиги сабабли, кузатув кенгашининг аъзоси С.Тиялов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Жумаев Акмал Ярашович - “Қашқадарёпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” акциядорлик жамияти бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи-Йиғилишда раислик қилувчи;

2. Абдусаломов Анвар – “Қашқадарё минтақавий пахта терминали” МЧЖ қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси.

3. Тиялов Сирожиддин Қулдошевич – жамият кузатув кенгаши аъзоси;

Йиғилиш раёсати аъзоси С.Тиялов малака ва тажрибага эга бўлган “Қашқадарёпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ бошқарув раиси в.в.б. А.Жумаевни йиғилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи А.Амировни йиғилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб А.Жумаев ва йиғилиш котиби этиб А.Амиров сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи А. Жумаев очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини кутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси А.Имомовга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2019 йил 04 июнь ҳолатига шакллантирилган “Шаҳрисабз пахта тозалаш” акциядорлик

жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 649 та акциядорга тегишли 1 414 512 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 1 236 544 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 11 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 87,4 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

А.Худойбердиев—жамият бош директори;

Х.Зияев—жамият бош механиги;

З.Садуллаев —жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори;

А.Юлдошев – Материал харажатлар бўйича ҳисобчи.

Йиғилишда раислик қилувчи А. Жумаев йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарори ижроси.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2019 йил 07 июндаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи-А.О.Амиров, Ишлаб чиқариш ҳисобчиси – А.Т.Имомов ва ҳисобчи – З.Ғ.Садуллаев номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” - 1 236 544 та овоз ёки; 100 фоз; “Қаршилар”- йўқ;

“Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1) А.Амиров;
- 2) А.Имомов;
- 3) З.Садуллаев.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 3 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” - 1 236 544 та овоз ёки; 100 фоиз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарорининг мазмун моҳиятини ўқиб эшиттирди. Қарорнинг 1-бандига кўра пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластер ҳудудида жойлашган 2-илова мувофиқ пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш пунктларининг бино ҳамда иншоотларини уларнинг ташкилотчиларига 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шarti билан баҳолаш қийматида сотиш белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда “Шахрисабз пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг буюртмасига асосан жамиятнинг барча мол-мулкларини баҳолаш учун махсус лицензияга эга бўлган “Infra finance” МСНЖ баҳоловчи ташкилоти билан шартнома тузилди. “Infra finance” МСНЖ томонидан жамиятнинг барча бино ва иншоотлари жами 23 685 205 075 сўмга баҳоланиб, “Konservis” МЧЖ эксперт баҳолаш ташкилоти томонидан экспертизадан ўтказилди.

“Oq saroy tekstil” МСНЖ Кластер ташкилотига “Шахрисабз пахта тозалаш” АЖнинг жами мол-мулкни баҳоланган (23 685 205 075 сўм) нархда тўловларни 5 йил давомида (ҳар йили 20 фоиздан) амалга ошириш шартнома асосида мулкрий-мажмуа кўринишида сотиб олишни билдириб мурожаат қилинди.

Шундан сўнг, йиғилишда иштирок этаётган акциядор С.Тилявов сўзга чиқиб, жамият мол-мулкни мулкрий мажмуа сифатида сотиб оладиган инвестор томонидан тўланадиган пул маблағлари 5 йил муддат билан тўлаб берилишини инобатга олиб, инфляция даражаси кескин ошиб кетиши содир бўлганда инфляция даражасини ҳисобга олиб инвестордан тўлаб берилишини талаб қилиш ва мулкрий-мажмуа сифатида сотиладиган бино ва иншоотларни ва

асосий воситаларни сотиш тўғрисида тузиладиган шартноманинг тегишли бандига кўзда тутиш лозимлиги тўғрисида ўз таклифини берди.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев акциядорлардан мазкур масала юзасидан ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” - 1 236 544 та овоз ёки; 100 фоиз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сонли “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин..

2. “Шахрисабз пахта тозалаш” АЖнинг бино иншоотлари ва асосий воситалари 23 685 205 075 сўмга тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли орқали “ Оқ saroy tekstil ” МСНЖга сотилсин ва олди-сотди шартномаси белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши таъминлансин.

3. “Шахрисабз пахта тозалаш” АЖ ва “ Оқ saroy tekstil ” МСНЖ ўртасида мулкий мажмуани сотиш бўйича тузиладиган олди-сотди шартномасини имзолаш ваколоти жамият бош директори в.в.б: А.Б.Худойбердиевга берилсин.

4. “Шахрисабз пахта тозалаш” АЖ ва “ Оқ saroy tekstil ” МСНЖ ўртасида мулкий мажмуани сотиш бўйича тузиладиган олди-сотди шартномасига тўловлар қўйидагича киритилиши таъминлансин:

- мулкий мажмуа умумий қийматининг 20 фоизи яъни 4 737 041 015 сўмини 2019 йил 31 декабрга қадар;

- мулкий мажмуа умумий қийматининг 80 фоизи яъни 18 948 164 060 сўмдан 2020 ва 2023 йилларнинг 31 декабрига қадар; (йил якуни билан 20 фоиздан яъни 4 737 041 015 сўмдан.)

- мулкий мажмуа сифатида сотилиши муносабати билан “Шахрисабз пахта тозалаш” АЖ тўлиқ тугатилиб давлат реестридан чиқарилгунга қадар жамият ходимларига (тугатиш ходимлари) маъмурий бинодан 4 та хонадан ва 1 та омборхонадан (текинга) фойдаланиш;

5. “Шахрисабз пахта тозалаш” АЖ тўлиқ тугатилиб давлат реестридан чиқарилгунга қадар жамият бош директори ва керакли мутахассис ходимлар лавозими сақлансин ва ушбу лавозим ходимларига мулкий мажмуа қиймати ҳисобидан жамиятнинг ҳисоб рақамига инвестор томонидан тўланадиган пул

маблағлари ҳисобидан ойлик иш ҳақи тўланиши таъминлансин ва бу тўғрисида “Қашқадарё минтақавий пахта терминали” МЧЖ ва “Ўзпахтасаноат” АЖга доимий маълумот киритиб борилсин.

6. “Шахрисабз пахта тозалаш” АЖнинг мол-мулки сотилиши ҳисобига ҳосил бўладиган солиқлар ўз вақтида ҳисобланиб давлат бюджетига тўланиши таъминлансин.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи А.Жумаев акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи:



А.Жумаев

Йиғилиш котиби:

А.Амиров

Йиғилиш баённомаси 2019 йил 20 июн куни икки нусхада тузилди.